МИЛЛИЙ ҒОЯ – ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ

К.А.ЮНУСОВ

Автор статьи рассматривает национальную идею как методологическую основу исследований во всех отраслях науки, обосновывая данную позицию с точки зрения реалий современного Узбекистана.

The author of article discusses the national idea as methodological base of investigation in all branches of sciences proving this position by the point of view real modern Uzbekistan.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асослари барпо қилинмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ва ҳозирда ижтимоий ҳаётимизга татбиқ қилинаётган “мамлакатни модернизация қилиш ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш“ концепцияси ўзининг бир қатор муҳим асосларига эга. Ана шу асослардан, ижтимоий-маънавий омиллардан бири – миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2006 йил 25 августда қабул қилган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида“ги 451-сонли қарори юртимизда миллий ғоя тамойилларининг амал қилишида муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қарорнинг 4-бандига кўра, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борувчи Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Қарорда марказнинг асосий вазифалари аниқ кўрсатиб берилган бўлиб, шулардан бири миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб беришдан иборат.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида ҳам юқорида келтирилган Президент Қарори бўйича бир қатор жиддий ишлар олиб борилмоқда. Шундай ишлардан бири “Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси” мавзусида илмий-назарий, методологик семинарнинг ташкил қилинганидир. Семинар фаолиятининг натижаси сифатида 2008 йилдан буён ҳар йили “Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси“ деган умумий ном остида илмий тўплам нашр этиб келинмоқда. Тўпламда республикамизнинг таниқли олимлари билан бир қаторда ёш олимлар, аспирант, докторант, илмий тадқиқотчилар ҳамда иқтидорли талабаларнинг шу йўналиш бўйича олиб бораётган илмий изланиш натижалари нашр қилиб келинмоқда.

Илмий тўпламнинг биринчи ва иккинчи жилдлари “Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси”, учинчи жилди ”Миллий ғоя – юксак маънавиятли шахс камолотининг негизи”, тўртинчи жилди эса “Таълим-тарбия жараёнининг маънавий-маърифий ва миллий-ғоявий асослари” номлари билан чоп этилди. Номланишидан кўриниб турибдики, илмий тўпламнинг ҳар бир жилди жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳаётининг муайян бир соҳасига бағишланган.

Семинарнинг келгусидаги режасида қуйидаги муаммолар бўйича жиддий илмий изланишлар олиб бориш кўзда тутилмоқда: “Миллий ғоя – Ватанимиз тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асоси”, “Инсоният тарихий тараққиёти босқичларида миллий ғоянинг тутган ўрни ва роли”, “Миллий ғоянинг дунё халқлари ривожланишига кўрсатган таъсири”, “Юксак даражада ривожланган мамлакатлар ҳаётида миллий ғоянинг амал қилиши: тарихий тажрибаси ва ўзига хос хусусиятлари”, ”Миллий ғоя – Ўзбекистонда табиатшунослик фанлари ривожланишининг назарий-методологик асоси”, “Миллий ғоянинг мамлакатни модернизация қилиш ва

кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги роли", "Миллий ғоя – Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг маънавий асоси".

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга эътибор берилса, семинарнинг асосий эътибори миллий ғоянинг жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари ривожланишида муҳим назарий-методологик, амалий, маънавий-мафкуравий аҳамият касб этишига қаратилгандир. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаб кўрсатдики: "...жамиятнинг ўзига хос ижтимоий шакл-шамойили, унинг қиёфаси, ривожланиш йўллари, устувор хусусиятлари тўғрисидаги аниқ тасаввур турли фикр, баҳс-мунозаралар орқалигина аён бўлишини эътироф этишимиз ва буни ўзимизга мезон қилиб олишимиз зарур" [1;126].

Маълумки, ҳар қандай давлат, жамият тараққиётини илм-фан тараққиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фундаментал фанларнинг ривожи, улардан олинган илмий натижаларнинг амалиётга, ишлаб чиқаришга татбиқ қилиниши охир-оқибат жамият юксалишига салмоқли таъсир кўрсатади. Бугунги кунда юксак тараққиётга эришган дунёдаги кўплаб мамлакатлар ҳаёти фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланиб бориши эса, ўз навбатида, жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларни чуқур тадқиқ этишга, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш ва бу муносабатларнинг янада ривожланиши, ҳар жиҳатдан юксалишига жиддий таъсир кўрсатади.

Миллий ғоянинг яна бир муҳим жиҳати шуки, бу ғоя жаҳон миқёсида эришилаётган барча илғор тажрибаларни, инсоният равнақи учун хизмат қиладиган ҳар қандай эзгу мақсадларни мужассамлаштирган ғояларни ўзида ифода этади.Унинг асосий тамойиллари: юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик кабилар жамият юксалишининг барча жабҳаларини ўзига жо этган.

Табиатшунослик, аниқ фанлар, тиббиёт фанлари, техника фанлари ривожининг жамиятимиз равнақи учун нақадар муҳим аҳамият касб этиши аён. Бу соҳаларда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар миллий-ғоявий жиҳатдан пухта назарий ҳамда методологик асосга эга бўлган тақдирдагина Ватанимиз равнақига салмоқли ҳисса қўша олади. Акс ҳолда, жамиятимиз ривожланишига путур етказувчи омилларни юзага келтириши мумкин.

Ҳар қандай фан, илмий йўналиш қайси соҳага тааллуқли бўлмасин, охир-оқибат инсон учун, жамият ҳаёти, унинг равнақи учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам фан ижтимоий онг шаклларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, бугунги кунда Ўзбекистонда фан ривожи, олиб борилаётган илмий изланишлар, илмий тадқиқот ишлари юртимизнинг тараққиёти учун хизмат қилмоғи лозим. Шу жиҳатдан миллий ғоя ҳар қайси фан йўналишидаги илмий тадқиқот учун назарий ва методологик асос бўлади.

Фикримизга мисол сифатида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини келтириш мумкин. Фалсафа, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт назарияси, социология, политология, диншунослик каби ижтимоий фанлар, тарих, тилшунослик, адабиёт, педагогика, психология каби гуманитар фанларда олиб борилаётган илмий изланишлар қайси мавзуга оид бўлмасин, жамият ҳаётининг муайян соҳаларига оид муаммоларни ўрганишга қаратилган бўлади. Жумладан, тарихимизни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг энг муҳим ва асосий мақсади ўтмишимизда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни холис, миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёритишдан иборатдир. Агар тадқиқот мавзуси мустабид тузум даврига оид бўлса, унда халқимиз, аждодларимизнинг ўтмишда кечирган оғир ҳаёти, уларнинг миллий истиқлол учун олиб борган кураши ва бу йўлда минглаб аждодларимизнинг қурбон бўлганлиги каби тарихий маълумотлар ўз ифодасини топмоғи лозим. Ушбу мавзуга келгусида алоҳида тўхталиб ўтишни ҳам мақсад қилганмиз. Чунки XIX аср 60-йилларидан 1991 йилгача – қарийб 130 йил давом этган мустамлака сиёсати, зўравонлик асосида ёт ғояларнинг халқимиз онгига, турмуш тарзига сингдирилиши миллий менталитетимиз, қадриятларимиз ва ҳаётимизда жиддий асоратлар қолдирди. Халқимизга, миллий маънавиятимизга хос бўлган баҳамжиҳатлик, имонлилик, сўз ва амал бирлиги, оила-никоҳ муқаддаслиги каби юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, қадриятларимизга жиддий путур етказилди.

Табиатшунослик, аниқ фанлар, техника, тиббиёт фанлари ва бошқа фан соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, шу фанларнинг ўзига хос бўлган назарий-методологик асосларига таянади. Шунинг баробарида, бизнингча, ушбу фан соҳаларида олиб борила-

ётган илмий тадқиқот ишлари ўзининг миллий-ғоявий асосларига ҳам эга бўлмоғи лозим.

Бошқача қилиб айтганда, қайси соҳа бўлмасин, ҳар қандай илмий тадқиқот иши, охир-оқибат инсон, жамият, муайян миллат ва мамлакат тараққиётига ҳизмат қилади. Ҳар қандай фан соҳаси ўзининг умуминсоний тамойиллари билан бир қаторда миллий – у муайян миллат, мамлакат манфаатларига хизмат қилиш хусусиятига ҳам эга бўлади. Шу икки жиҳатнинг ўзаро узвий боғлиқлиги ҳар бир фан соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг инсонпарварлик ва миллатпарварлик моҳиятини ташкил этади. Акс ҳолда эса, у инсоният, муайян миллат ва шахс ҳаёти учун ўта хавфли қуролга, бузғунчи воситага айланади. Бунга тарихда динамитнинг кашф қилиниши, ҳозирда америкалик химик олим Джон Хоффман томонидан яратилган “Спайк” номли сунъий гиёҳванд моддасини мисол қилиб олишимиз мумкин. Ҳозирда ғарб давлатларида, Россияда ушбу гиёҳванд моддани истеъмол қилаётган ёшлар ҳаёти фожеали тугамоқда.

Табиатшунослик, аниқ фанлар, техника, тиббиёт фанларининг муайян мамлакат, хусусан, Ўзбекистонда ривожланиши унда истиқомат қилаётган шахс, миллат ҳаётига, фаровонлигига, дунёқарашига, маънавиятига, маданий жиҳатдан ривожланиш даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, миллий ғоянинг шу фан соҳалари учун назарий-методологик асос бўлиши зарурлигини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ҳар қандай илмий тадқиқот иши, қайси соҳа ва қандай мавзуда бўлмасин, албатта, юртимиз, миллатимиз равнақига, унинг дунё миқёсидаги нуфузининг ошишига ҳисса қўшмоғи лозим. Миллат, шахс, жамият ва мамлакат манфаатларига, ижтимоий-маънавий эҳтиёжига, уларнинг юксалишига, фаровонлигига жилла бўлса-да таъсир кўрсата олмайдиган, аҳамиятли бўлмаган тадқиқот ишининг ҳеч қандай қиммати бўлмайди.

Юқорида баён қилинган фикр ва мулоҳазалардан шундай хулоса келиб чиқадики, миллий ғоя ва унинг тамойиллари (юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон ғояси, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғояси) юртимизда ривожланаётган барча фанлар учун назарий-методологик асос бўлади.

Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси эканлигига шубҳа билан қараётган айрим олимлар ҳам йўқ эмас. Баъзи файласуф олимлар, миллий ғоя илмий тадқиқот ишларининг назарий-методологик асоси бўла олмайди деб даъво қилмоқдалар. Шунингдек, баъзи олимлар (асосан, табиатшунослик ва аниқ фан мутахассислари) илмий тадқиқот ишларини миллий ғоя тамойиллари асосида олиб бориш – илм-фаннинг мафкуралашувига олиб келиши мумкин, деган фикрларни ҳам билдирмоқдалар. Уларнинг фикрларича, ҳаттоки Шўро тузуми даврида ҳам коммунистик мафкура илмий тадқиқот ишларининг назарий-методологик асоси қилиб олинмаган эмиш.

Бизнингча, Шўро тузуми даврида нафақат илм-фан, балки жамият ҳаётининг барча соҳалари коммунистик мафкурага тўла бўйсундирилган эди. Инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳалари коммунистик мафкура асосида, андозасида баҳоланар, ўлчанар ёки камситилар, инкор этилар ва таъқиқланар эди (масалан, миллий, диний, хусусий мулкчилик характеридаги қарашлар ҳамда ғоялар). Илм-фаннинг барча соҳалари, у табиатшунослик илми бўладими, ижтимоий-гуманитар фанлар бўладими – барчаси коммунистик мафкура доирасида ўрганилган ва унга бўйсундирилган эди. Бунинг оқибатида социология, политология, синергетика, диншунослик, генетика, кибернетика каби фанлар ҳамда уларга тааллуқли бўлган назариялар буржуа ғоялари ва фанлари сифатида баҳоланди ҳамда уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилинди. Бу фанлар билан шуғулланган мутахассис олимлар эса чет элларга бадарға қилинди ёки сиёсий қатағонга гирифтор қилинди. Бунинг оқибатида эса шу фан соҳалари дунё илмий тараққиёти даражасидан анча орқада қолиб кетди.

Миллий характердаги, миллат ўтмиши билан боғлиқ, унинг турмуш тарзини ўзида мужассам этган илмий тадқиқот ишларига йўл қўйилмади ва қаттиқ таъқиб остига олинди. Фикримизга мисол сифатида Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Иброҳим Мўминов, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Пиримқул Қодиров каби юзлаб мутафаккирлар, ёзувчи ва шоирлар, олиму фузалолар ўз асарларида миллий ғояга асосланганликлари оқибатида таъқиб остига олинганини келтириш мумкин.

Миллий ғоянинг илмий тадқиқотларга назарий-методологик асос қилиб олиниши асло фанларнинг мамфкуралашувига олиб келмайди. Чунки миллий ғоя ва унинг асосий тамойиллари, Шўролар тузуми мафкуравий қараш-

ларидан фарқли равишда, барча умуминсоний тамойилларга мувофиқ келади. Коммунистик мафкура ғоялари эса умуминсоний тамойилларга мутлақо зид эди. Шунинг учун ҳам у таназзулга юз тутди.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтганда:

1. Ҳар қандай фан соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, у табиатшунослик соҳаси бўладими, аниқ фанлар, техника, тиббиёт фанлари ёки ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари бўладими - уларнинг барчаси шахс, миллат, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилмоғи лозим. Шу жиҳатдан миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг мафкуралашувига эмас, балки уларнинг ғоявий жиҳатдан мазмун-моҳиятли бўлишига асос бўлади.

2. Биринчи хулосадан келиб чиққан холда таъкидлаб ўтиш лозимки, табиатшунослик, аниқ фанлар, техника ва тиббиёт фанлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган аспирант, докторант ва тадқиқотчилар албатта “Мустақиллик мафкураси ва демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизлари ва илмий асослари” бўйича махсус номзодлик минимумлари топширишлари мақсадга мувофиқ. Чунки улар ўзлари олиб бораётган илмий тадқиқот ишларида миллий ғоя ва унинг асосий тамойилларидан назарий-методологик асос сифатида фойдалана олишлари шарт.

Юқорида номлари келтирилган фан соҳаларида олиб борилаётган илмий ишлар ўзларининг ижтимоий-миллий самарасига эга бўлиши, миллат ва жамият равнақига хизмат қилиши, халқимиз фаровонлигига наф келтира олиши лозим. Шундагина бундай тадқиқот иши ўзининг ижтимоий қимматига эга бўлади. Бунинг учун эса миллий ғоянинг назарий-методологик жиҳатларини пухта билиш, тадқиқот ишларида уларга асосланмоқ зарур бўлади.

3. Миллий ғоя – ҳозирги даврда мамлакатимиз ҳаётида амал қилаётган барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий муносабатлар, мафкуравий қарашлар учун муҳим ва белгиловчи асосдир.

4. Миллий ғоя – ҳозирда жамиятимиз ҳаётида амал қилаётган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат назарий-методологик концепциясининг маънавий негизини ташкил этади.

5. Миллий ғоя – нафақат назарий-методологик асос, балки барча фанларнинг амалий самарадорлигини ижтимоий-маънавий жиҳатдан, яъни шахс, миллат, жамият ва давлат равнақи учун қай даражада фойдалилигини белгиловчи мезон ва муҳим омилдир.

6. Миллий ғоя – ҳар қандай миллат равнақи, юксалиши учун маънавий асос бўлиб ҳизмат қилади. АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Малайзия каби ривожланган мамлакатларнинг юксак тараққиёт даражасига эришувида уларнинг миллий ғояси муҳим аҳамият касб этган.

7. Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши учун фан соҳаларининг таъсири жуда катта аҳамият касб этади. Ҳозирги замон фан ва технологиялари ютуқларини фақат истеъмол қилувчи эмас, балки уларни яратувчи, ишлаб чиқарувчи ва дунёга етказиб берувчи замонавий кадрларнинг шаклланиши – миллий ғоя ва унинг тамойиллари қай даражада амал қилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. И.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008
2. И.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010
3. Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси. Илмий тўплам. 1-жилд.- Андижон, 2008
4. Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси. Илмий тўплам. 2-жилд.- Андижон, 2009
5. Миллий ғоя – юксак маънавиятли шахс камолотининг негизи. Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси номли илмий тўпламнинг 3-жилди.- Андижон, 2010

Андижон давлат университети,
2010 йил 25 майда қабул қилинган